

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит қўмитаси

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит қўмитаси ташкил этилган.

Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб боради.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадига эришишида пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий чораларни белгилаш, пул-кредит операцияларини амалга оширишни ташкил этиш, унинг механизмларини такомиллаштириш ҳамда бу борада тегишли таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкил этилади.

Қўмита пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини олдини олиш ҳамда банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш мақсадларида Марказий банкнинг пул-кредит операцияларини амалга оширишни бошқаради.

Марказий банкнинг пул-кредит операциялари уларнинг мақсадларидан келиб чиқиб тегишли пул-кредит сиёсати инструментларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Қўмитанинг тузилиши ва фаолияти

Қўмитанинг таркиби Марказий банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланади. Қўмита Марказий банк Раиси, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи Марказий банк Раиси ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат бўлади.

Қўмита иш фаолиятига Марказий банк Раиси раҳбарлик қилади ва унинг мажлисларини олиб боради.

Марказий банкнинг Монетар операциялар департаменти Қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади.

Қўмита қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

мамлакатдаги макроиқтисодий вазият, ташқи иқтисодий шароит, солиқ-бюджет сиёсатидаги ҳолат ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиқиб Марказий банкнинг ички валюта ва пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш ва уларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ва вазифаларни белгилайди;

кейинги йил учун ишлаб чиқилган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини дастлабки равишда кўриб чиқади ва Бошқарув муҳокамасига киритади;

пул-кредит кўрсаткичларини операцион мўлжалга яқинлаштириш, банк тизими ликвидлигини мақбуллаштириш, пул-кредит инструментларининг пул бозори фоиз ставкаларига таъсирини кучайтириш, фоизлар бўйича коридорни жорий этиш ҳамда банклараро пул бозорини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари бўйича стратегиясини ишлаб чиқади;

Пул-кредит сиёсати ва Монетар операциялар департаментлари томонидан пул-кредит сиёсати инструментлари, уларни қўллаш механизмлари, пул-кредит операциялари ҳажмлари, фоизлари, муддатлари ва даврлари, шунингдек ушбу операцияларнинг банк тизими ликвидлигига, пул бозоридаги ҳолат ва фоиз ставкаларига, тижорат банкларининг депозит ва кредитлари фоизларига таъсири бўйича тақдим этилган таҳлилий маълумотларни атрофлича кўриб чиқади ва муҳокама этади;

Пул-кредит сиёсати ҳамда Статистика ва тадқиқотлар департаментлари томонидан Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишнинг мамлакат иқтисодиётига ва ички нархлар даражасига таъсири бўйича тақдим этилган таҳлилий маълумотларни кўриб чиқади, муҳокама этади, шунингдек пул-кредит сиёсати соҳасидаги қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги вазифаларни белгилайди;

Бошқарув томонидан белгиланган лимитлар доирасида маълум бир давр учун (ойлик, чораклик) ўтказиладиган пул-кредит операцияларининг асосий йўналишларини, уларни амалга ошириш бўйича лимитлар, муддатлар ва фоиз ставкалари миқдорини белгилайди;

пул-кредит сиёсати инструментлари таъсирчанлигини ошириш, уларни қўллаш механизмларини соддалаштириш, инструментларни муомалага киритиш ёки муомаладан чиқариш юзасидан дастлабки қарорларни шакллантиради;

пул-кредит кўрсаткичлари бўйича операцион мўлжаллар ва мақсадли параметрларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Пул-кредит сиёсати ва Монетар операциялар департаментлари томонидан банк тизими ликвидлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили юзасидан шакллантирилган ҳисоботлар, шунингдек ликвидликнинг ойлик, чораклик ҳамда йиллик прогнозларини кўриб чиқади;

банк тизимидаги ортиқча ликвидликни Марказий банкдаги депозитларга жалб қилиш ҳамда қўшимча ликвидлик билан таъминлаш мақсадида кредитлар ажратиш операцияларининг ҳажми, муддати ва фоиз ставкалари параметрларини белгилайди;

тижорат банкларига аукционлар орқали кредит бериш ва депозитга жалб қилиш операцияларининг ҳажми ва муддатларини белгилайди;

тижорат банклари билан “своп” операциялари параметрларини белгилайди;

давлат қимматли қоғозларини, шунингдек Марказий банкнинг қарз қимматли қоғозларини чиқариш, бирламчи бозорда жойлаштириш, очик бозорда сотиш ва сотиб олиш ҳамда улар билан РЕПО операцияларини амалга ошириш бўйича Бошқарув белгилаган лимитлар доирасида оператив қарорлар қабул қилади;

мамлакат олтин-валюта резервларининг ошиши натижасида банк тизимида вужудга келадиган ортиқча ликвидликни стерилизация қилиш масалаларини кўриб чиқади;

алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиши учун зарур шароитлар яратиш нуқтаи назаридан ички валюта бозорида Марказий банкнинг хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда ушбу операциялар миқдори ва даврини белгилайди;

пул-кредит операцияларини ўтказиш муддатлари бўйича ойлик ва йиллик режа графикларни, шунингдек қўмита мажлислари жадвалини тасдиқлайди.

Қўмитанинг ҳуқуқлари

Қўмита ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари ва тижорат банкларидан пул-кредит операцияларига оид тегишли маълумотларни олиш;

ўз ваколатига доир масалалар бўйича Марказий банк Бошқарувиغا таклифлар киритиш;

Қўмитага юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқлар.